## — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни




# САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА

### сайловолди тадбирлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти

Янгийўл шаҳридаги 449-сайлов участкаси бугун ҳар доимгидан гавжум. Аввало, технология коллежи биносида жойлашган участканинг тегишли жиҳозлар билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Республика Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар жараёнида биз катта тажриба орттирдик, — дейди участка сайлов комиссиясининг раиси Моҳира Шермуҳаммедова. — Шу боис мамлакат Президенти сайловига тайёргарлик ишларида деярли қийинчилик сезмаяпмиз. Мавжуд 2436 нафар сайловчини қайта рўйхатдан ўтказиб чиқдик. Айни пайтда участкамизга келаётган сайловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бериб, уларни сайловга оид қонунлар, қоидалар, ҳужжатлар билан таништириб бораяпмиз.

— **Келувчилар кўпми?**

— Кам эмас. Ҳар куни ўнлаб сайловчи ўзини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этаётганини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Суҳбатимиз қизиган паллада хонага бир отахон кириб келди. Суҳбатимиз бўлинди.

— Президентликка номзодларнинг телевизор орқали чиқишларини эътибор билан кузатиб бораяпман. Лекин, кексалик экан-да, баъзи гапларнинг кўпам мағзини чақа олмаяпман. Уларнинг сайловолди дастурлари билан батафсил танишиб чиқишни хоҳлардим.

— Кечирасиз, отахон ўзингизни таништирсангиз.

— Рамадон маҳалласида яшайман. Шаҳримиздаги ёғмой комбинатида 48 йил ишладим. Ҳозир пенсиядаман.

Моҳира Шермуҳаммедова меҳнат фахрийси Йўлдошбой Абдужабборовга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ҳамда Абдулҳафиз Жалоловнинг таржимаи ҳоли ва дастури жамланган китобчаларни тақдим этди.

— Катта раҳмат, қизим. Уйга бориб, бемалол ўқиб, танишиб чиқаман энди...

Қўнғироқ жиринглади.

— Талабаларимиз танаффусга чиқишди, — дейди Моҳира опа. — Энди хонамиз бир зумда тўлиб қолади. Чунки коллежимиздан 239 нафар талаба биринчи бор сайловларда иштирок этишаяпти. Ёшларни вақти-вақти билан участкага таклиф этиб, тегишли қонунлар билан таништириб бораяпмиз.

Ростданам сал ўтмай хонага 5-6 нафар талаба кириб келди. Пайтдан фойдаланиб уларни суҳбатга чорладик.

— Мен Қашқадарё вилоятиданман, — деди ўзини таништирган Хуршид Абдуазизов. — Сайловларда биринчи марта иштирок этаяпман. Биз ўзимизни қизиқтирган саволларга доимо тўлиқ жавоб олаяпмиз. Чунки сайловларга оид барча қонунлар, тегишли ҳужжатлар жамулжам бу ерда. Мен хонага деярли ҳар куни кириб тураман. Бу ерга ҳар куни матбуот нашрларининг янги сонлари келтирилади. Уларда эса сайловларга оид энг янги маълумотлар билан танишиш мумкин.

— Мен эса Сурхондарёданман, — дейди Гулбаҳор Шердонаева, — биринчи бор сайлаш ҳуқуқимдан Тошкентда фойдаланаётганимдан фахрланаман. 5 декабр куни бўлажак депутатларга овоз бергандик. Ҳадемай мамлакат Президентини сайлаймиз. Биринчи бор овоз бериш бошқача бўлади-да, ўзи...

Айни кунларда нафақат Янгийўлда, балки Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида сайловолди тайёргарлик ишлари қизғин давом этаяпти. Мавжуд 827 та сайлов участкасида бутун эътибор мамлакат Президенти сайловини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган. Жойларда, айниқса, сайлов ташкилотчилари ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида участка сайлов комиссиялари раисларининг минтақавий ўқув семинарлари ташкил этилди. Уларда сайловга оид вазифаларни, тарғибот-ташвиқот ишларини юқори даражада ташкил этиш юзасидан тавсиялар, йўл-йўриқлар берилди. Ва, шубҳасиз, ушбу саъй-ҳаракатлар республика Президенти сайловининг юксак савияда ўтишига хизмат қилади.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа — Ўзбекистон Президентлигига сайлов яқинлашгани сари жойлардаги округ ва участкаларда ушбу тадбирга ҳозирлик ишлари қизғин бормоқда. Шу кунларда 1-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига қарашли 285-сайлов участкаси ҳам сайловчиларнинг, айниқса ёшларнинг севимли масканига айланган. Сайлов участкаси ҳуқуқий адабиётлар, махсус алоқа воситалари, телефон, факс ва компьютерлар билан жиҳозлангани сайловолди тадбирларининг самарали кечишига омил бўлмоқда.*

**СУРАТДА: участка сайлов комиссияси раиси (ўнгда) С. Пўлатов, котиби А. Эгамбердиев, комиссия аъзоси Н. Исмоилова ва Н. Мамадалиевлар.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

## «БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Яқинда Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида вилоят ёшларининг форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов иштирок этиб, бугунги ёшларнинг олдида турган вазифалар, Президентимиз томонидан уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўзладилар. Шунингдек, вилоятдаги бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳам сўзга чиқишиб, Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашлари, яқинда бўладиган Президент сайловида Ислом Каримов номзоди учун овоз беришларини баён этишди.

Тадбир чоғида вилоятдаги бир қанча бадиий жамоалар, иқтидорли санъаткорлар ўзларининг концерт дастурларини намойиш этдилар. Шунингдек, «Камолот» жамғармаси қошидаги «Мўтти» театри қизиқчиси Шерали Ҳожиевнинг ичакузди ҳангомалари ёшларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Форум якунида Сурхондарё вилояти ёшларининг Президентга мурожаатномаси қабул қилинди.

**Садбархон ЖЎРАЕВА.**

*Қишлоқ қурилиши*

## «МОНТАЖ» ИБРАТИ

Шу ном билан аталувчи жамоа корхонаси нафақат Юқоричирчиқ туманида, балки Тошкент вилоятидаги энг илғор қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланади.

Яқинда Ирина Савицкая етакчилигидаги бунёдкорлар тумандаги «Олға» жамоа хўжалигида 75 ўринли қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга топширдилар. Бу жорий йилда бунёд этилган иккинчи ана шундай шифо масканидир.

«Монтаж»чилар айни пайтда Бўстонлиқ туманидаги Озодбош қўрғонида яна бир янги иншоотни тиклашга киришдилар.

**А. ТЕМУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Енгил саноат

# ҚАТЪИЙ БУЮРТМА ПОРТФЕЛИ

### банкротлик ёқасига келиб қолган корхонани оёққа турғазди

***Ишлаб чиқариш раҳбарларини икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси — жамоа ишлаб топган маблағни тасарруф этишда қўли очиқ, яъни кўрсатилган хизмат ёки етказиб бериладиган хомашё учун тўланадиган пул борасида тортишиб ўтирмайди. Улар шериклар билан муносабатларни бузиб қўймаслик учун барча шартларга осонгина кўниб, «ҳаммага яхши кўринсам» қабилида фаолият кўрсатишади. Кейингиси эса бошқачароқ. Халқ таъбири билан айтганда, ҳар бир сўмнинг устида «умбалоқ ошади». Харажатнинг ортиқчасини ҳам зарар, деб ҳисоблайди. Меъёридан зиёд ҳотамтойликни ўз табиатига зид билган бундай етакчиларни ҳамма ҳам ёқтирмаслиги табиий. Лекин у айни бугунги куннинг — бозор иқтисодиёти даврининг раҳбаридир.***

Бу хусусда фикр юритиш нега зарур бўлиб қолди? Гап шундаки, Намангандаги «Муштарий» тикувчилик ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига кейинги уч йил мобайнида раҳбарлик қилган ана шу икки тоифадаги бошлиқлар унинг тақдирига ўзларича таъсир кўрсатдилар.

Далилларга мурожаат қилайлик. Жамоа 1996 йилни 3,6 миллион сўм зарар билан якунлади. Кейинги йили бу кўрсаткич 7,7 миллион сўмга етди. Солиқ идоралари, сув, газ, электр қуввати таъминоти учун тўловлардан 93 миллион сўм, иш ҳақидан 2 миллион сўм қарз оёққа тушов бўлиб, корхонани бир қадам ҳам силжитмай қўйди. Аниқроғи, хомашё етказиб берувчилар билан алоқаларнинг сусайиши, ишлаб чиқаришдаги муттасил узилишлар, раҳбариятнинг янгича шароитларга тайёр эмаслиги ўз ишини қилди: корхона боши берк кўчага кириб қолди. Ўша йиллари бошқарув раиси бўлган Ж. Турдиев ва Ё. Боқиев жамоани ундан олиб чиқиб кетишга нўноқлик қилдилар.

— Наҳотки, минглаб одамларнинг рўзғорини тебратиб турган, чеварлари тиккан кўйлаклар қўлма-қўл бўлиб юрган шундай йирик корхона таназзулга учраб қолаверса?

Бундан икки йил аввал «Муштарий» меҳнатчилари ана шундай умидсизлик гирдобида яшардилар. Шунда 30 йил мобайнида енгил саноатнинг ўзига хос қирраларини ўзлаштирган Раҳимжон Пўлатов корхонага янги раҳбар этиб тайинланди. Раҳимжон ака мутахассисларни ёнига ўтқазиб, корхонани оёққа турғазиш режаларини белгилаб олгандаёқ, кўпчилик унинг одамлар билан ҳисоблашадиган, аммо ўз нуқтаи назарига эга раҳбар эканлигини тушуниб етди. Технологик жараёнларни тиклаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, энг муҳими, молиявий аҳволни соғломлаштириш юзасидан тузилган тадбирлар мажмуи нафақат жамоа, балки вилоят ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига ҳам маъқул тушди.

— Азалдан ортиқча харажатлар кўзимга балодай кўринади, — дейди Раҳимжон Пўлатов. — Бундай ҳолат «Муштарий»да ҳам мавжуд экан. Аввало, бошқарув аппаратини қисқартирдим. Кейин энг кичик лавозимдаги кишилар — қоровулларни ҳам. Сабаби — корхонани қўриқлаш учун шаҳар соқчилик бўлими томонидан жалб қилинганларга ойига нақд 180 минг сўм тўланарди. Ваҳоланки, жамоа кучи билан бу ишни йўлга қўйиш орқали харажатни 70-80 минг сўмга тушириш имкони бор эди. Фақат одамларга ишонч керак. Шундай қилдик. Сўнгра банк ва солиқ тўловлари билан қизиқдим...

Дарвоқе, шу тўловлар билан жиддий шуғулланиш ҳам меҳнат аҳли елкасидаги оғир юкни анча камайтирди. Қандай қилиб дейсизми? Янги раиснинг таклифи билан корхонада аудит текшируви ўтказилгач, таҳлиллар корхона банкдан олган қарзлар ҳисобидан бадални ундиришда адолатсизликка йўл қўйилганини кўрсатди. Унинг қиймати оз эмас, кўп эмас, миллионларга бориб тақаларди. Етарли далил-исботлар билан қуролланиб, республика Олий хўжалик судига мурожаат этдилар. Аслида банк билан довлашишга унча-мунча раҳбарнинг юраги дов бермайди. Раҳимжон Пўлатов эса аҳдида қатъий турди. Ниҳоят, анчагина тортишувлардан сўнг қўшимча устама бадаллар бекор қилинди. Қарабсизки, корхона шунинг ҳисобига 20 миллион сўм маблағга эга бўлди. Бу маблағ эса ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш, технологияни такомиллаштиришга йўналтирилди. Устига устак, вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг банкротлик комиссияси тавсиясига кўра, бюджет тўловлари, яъни 11 миллион 500 минг сўмни тўлаш муддати кечиктирилгани, 10 миллион 800 минг сўмлик солиқ устама бадаллари кечиб юборилгани ҳам бошқа муаммоларни ечишга йўл очди.

— 1998 йилнинг бошида мамлакатимизда 10 дан ортиқ тикувчилик корхоналари ўртасида ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, қатъий буюртма портфелига эга бўлдик, — дейди бошқарув раиси. — Бу чинакам ғалаба эди. Чунки кейинги йилларда ишчиларимиз қатъий буюртмани деярли эсдан чиқариб қўйишганди. У бўлмагач, қувватлардан тўла фойдаланиш хусусида гапириш ортиқча. Хуллас, буюртмаларга мувофиқ , Ички ишлар вазирлигига 50 минг дона, божхоначиларга 12 минг, прокуратура ходимларига 2,5 минг, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизматчиларига 2 минг донадан махсус кўйлак тикиб бериш иштиёқида ишга дадил киришдик.

Натижами? Корхона аҳли давлат буюртмасини изчил бажариб бориши туфайли унинг ҳисоб рақамига пул туша бошлади. Ўша йилнинг ўзидаёқ бир миллион сўм фойда кўрилди.

— «Қаловини топган қорни ҳам ёндиради» деганлари шу экан-да, — дейди тикувчи Санобар Мўминова ҳамкасбларининг дилидаги гапни ифодалаб. — Ростини айтсам, Раҳимжон аканинг қадами қутлуғ келди. 1996-97 йиллардаги маошларимиз ҳам тўлиқ тўланди. Шахсан ўзим бирйўла 24 минг сўм иш ҳақи олдим. Мана иккинчи йилдирки, ойликлар вақтида берилаяпти. Муҳими, жамоамиз аъзоларининг руҳи тетик. Иш унуми ҳам шунга яраша бўлаётир.

Энди икки оғиз маҳсулот сифати ҳақида. Айни шу мезонга жиддий эътибор қаратилганлиги туфайли корхона 1999 йили Тошкентда ўтказилган тендерда ҳам ғолиб чиқиб, қатъий буюртма миқдорини кўпайтиришга эришди. Бу ишлаб чиқариш маромини барқарорлаштириш имконини берди. Яқинда эса тикувчилар нозик буюртмачилар дидига мос келадиган маҳсулотларини 2000 йилги кўргазмага ҳавола этдилар.

Бугунги кунда «Муштарий» цехларида 300 нафар хотин-қиз узлуксиз меҳнат билан банд. Уларнинг кучи билан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми бултур 36,4 миллион сўмликни ташкил этган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 83 миллион сўмликка етди. Бундан ташқари, жорий йилда 100 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ҳам тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди.

Кўриниб турибдики, банкротлик ёқасига келиб қолган йирик корхона қатъий буюртма портфелига эга бўлгач, аста-секинлик билан қаддини ростламоқда. Эндиликда раҳбарият хорижий инвестицияни жалб этган ҳолда қўшма корхона очиш тараддудида юрибди. Зеро, бу ҳақиқий тараққиётга эришишнинг муҳим омилидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Тўрткўл тумани меҳнаткашлари давлатга 1600 тонна шоли сотиб, шартнома режасини бажарган эдилар. Йиғим-терим шундан сўнг ҳам сусайтирилгани йўқ. Шоликорлар қуёшли кунлардан самарали фойдаланиб, ҳосилни охирги мисқолигача йиғиштириб олдилар. Куни кеча тўрткўлликлар муҳим меҳнат ғалабасини қўлга киритишди. Мамлакат омборларига 1986 тонна сара шоли сотилиб, мажбурият ҳам бажарилди.

Шартнома режасини «Мискин» ширкат хўжалиги 144, Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги эса 126 фоизга уддалади. Тўрткўлликлар илк бора буғдойдан бўшаган майдонларга кўчатлаб шоли экиш тажрибасини қўллаганликлари ютуқлар омили бўлди.

— Келгуси йили жами 4000 гектар майдонга шоли экишни режалаштирдик, — дейди туман ҳокими Самандар Искандаров. — Тупроқ-иқлим шароитимизга мос келадиган навни танлаб, сара уруғлик жамғараяпмиз.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Жаҳон андозалари асосида

Мана бир неча йилдирки, Навоий кон-металлургия комбинати таркибида "Агама" трикотаж фирмаси фаолият кўрсатаётир. Замонавий кийим-кечак ва пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу фирма маҳсулотига хорижда ҳам талаб ортмоқда.

Зарафшон шаҳрида мазкур фирма томонидан қурилаётган комбинатнинг биринчи навбати маҳсулот бера бошлади. Бу ерда пахта ва акрилдан газлама учун янги хил ип тайёрлаш ўзлаштирилди. Фирма ва унинг жойлардаги корхоналарида ўнлаб турда кийим-кечак ва пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. "Агама" тамғаси туширилган маҳсулот корхонага тегишли 17 та дўконда сотилмоқда.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚИММАТБАҲО БОЙЛИК

### Нега у арзимаган маблағ эвазига хорижлик «ишбилармонлар»га сотиб юборилаяпти?

Кундалик турмушимизни ривожланган давлатлар даражасига етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида одамларнинг юриш-туриши, кийинишида ҳам ўзгаришлар бўлаяпти. Бугун, қиш кунларида кўпчилик анъанавий пальто, тўн, чопонлар ўрнига тобора урф бўлаётган чармдан тикилган иссиқ кийимларни кийиб юргани ҳақиқат. Туркия, Хитой, араб мамлакатлари, Покистон ва Ҳиндистонда тайёрланган бу кийим-бошларнинг хомашёси асли юртимизда парваришланган йирик шохли қорамоллар, қўй-эчкиларнинг териси эканлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ҳа, шундай. Чет эллик «тадбиркорлар» юртимизда тайёрланган тери хомашёсини сув текинга сотиб олиб, кейин унга ишлов бериб, ўзларининг дунёда эътироф этилган ёрлиқларини ёпиштириб, ўн баравар, ҳатто юз баравар ортиқ нархда ўзимизга пуллашяпти. Илгари бизда тайёрланган чарм уст-бошлар Ватанимиз сарҳадларидан ташқарида бичиб-тикилган бўлса, энди уддабурро «тадбиркорлар» мамлакатимизда, қўшни давлатларда цехлар ташкил этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришаяпти. Лекин корхонанинг манзили, ёрлиғи ўша довруқли фирма ва мамлакатнинг номи билан бозорларимизга чиқарилаяпти.

Фикримизнинг исботи учун далилларга мурожаат қилайлик. Фарғона вилояти истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, шу йилнинг ўн ойи мобайнида вилоятда 80,5 минг бош йирик шохли қорамол, 100 минг бошга яқин қўй-эчки ва бошқа ҳайвонлар кушхоналар орқали гўштга тортилган. Демак, ҳар йили 180 мингта тери хомашёсидан фойдаланиш имконияти бор. Афсуски, ана шу муҳим хомашёнинг атиги 15 минг донаси тайёрлов ташкилотлари томонидан қабул қилиб олинган, холос. Шу ўринда табиий савол туғилади: 165 мингдан зиёд катта-кичик тери қаёққа кетди? Бу ўринда биз ҳали тўй-маросимларда, аҳоли шахсий эҳтиёжлари учун сўйиб юборган ҳайвонларни ҳисобга олаётганимиз йўқ. Энг ачинарлиси, вилоятда чорвачиликни ривожлантиришни ўз зиммасига олган фермер хўжаликлари атиги 118 бош қўй терисини тайёрлов идораларига топширганини қандай баҳолаш мумкин?

Зукко газетхонлар, албатта, «Хонаки усулда пойабзал ва бошқа кийим-бошлар тикадиган косиблар ҳомашёни қаердан олишяпти?» деб сўрашлари мумкин. Сўров асносида маълум бўлдики, улар вилоятда истеъмолга чиқарилаётган чарм, тери буюмларининг ўндан бир миқдорида ҳам маҳсулот тайёрлашмас экан. Айни пайтда ҳар бир қишлоқ, шаҳарда «тери оламан» деб, уйма-уй, кўчама-кўча изғиб юрган устамон «тайёрловчилар»ни кўплаб учратасиз. Уларнинг аксарият қисми қишлоқлардаги кушхоналарнинг кунда-шундасига айланиб қолган. Улар терини арзимаган баҳода сотиб олиб, дастлабки ишлов бериб, тузлаб, намлик ҳолатини сақлаган ҳолда Ватанимиз сарҳадларидан ташқаридаги ҳамкорларига ими-жимида пуллаб юборишмоқда.

— Бундан роса бир йил аввал шундай бошбошдоқлик, талон-тарожликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилган эди, — дейди «Фарғона чарм» шўъба корхонаси катта мутахассиси Муҳаммаджон Тошболтаев. — Афсуски, қимматбаҳо хом тери ҳамон чет элларга чиқариб юборилмоқда. Айрим маҳаллаларда, фуқаролар йиғинларида эса ана шу қарорнинг мазмунини ҳатто билишмайди ҳам.

Муҳаммаджон ака хом тери талон-тарож қилинаётганлигини эътироф этибгина қолмай, балки одамларимиз, айниқса, қишлоқ кишилари юзлаб, минглаб ишчи ўринларидан маҳрум бўлаётгани ҳақида ҳам куйиниб гапирди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда вилоят енгил саноат тизимига қарашли ўнлаб корхоналар хомашё йўқлигидан ҳаракатсиз турибди. Агар ҳукумат қарори асосида ўзимиздаги тери хомашёсини тўплаб, дастлабки ишлов бериб, шу корхоналарга топширсак, улар тўла қувват билан ишлар, бинобарин, йирик пойабзал корхоналари ишчи ресурслари билан таъминланар, биз эса чарм курткаларни арзон баҳода сотиб олиш имкониятига эга бўлар эдик.

Ҳукумат қарорида хом терини тўплаш, тайёрлаш вазифаси «Ўзбекчарм» компаниясининг вилоятлардаги тайёрлов корхоналари зиммасига юклатилган. Бу тайёрлов идоралари лицензиясига эга бўлган тери тайёрловчилар, харид қилувчиларга эса банклардан маҳсулот сотиб олиш учун нақд пул олишга рухсат берилган. Агар улар ана шу имкониятдан оқилона фойдаланиб фаол ишга киришсалар, юртимиздаги ташмачилик, хомашёнинг талон-тарож қилинишига барҳам бериларди.

Бу соҳада биринчи навбатда маҳалла йиғинлари, истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси мутасаддилари, санэпидстанция ва ветеринария хизмати ходимлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари ғоят муҳим. Шунда халқимиз, юртимиз манфаати йўлида хизмат қилиши мумкин бўлган қўл остимиздаги бойликнинг беҳудага ташқарига чиқиб кетишига чек қўйилган бўларди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳаракатда баракат

# ЧЎТБОЕВ ИШЛАРНИ ЧЎТГА СОЛМОҚДА

Шўрчи туманидаги Тошмамат Бердиев номли жамоа хўжалигига раис бўлиб келган 1998 йил январ ойидаги манзарани Ўрол Чўтбоев ҳеч унутолмайди: бир гектар ҳам ер шудгор бўлмаган. Хўжаликнинг давлатдан қарзи 95 миллион сўм. Иш ҳақидан қарзи — 18 миллион сўм. Ҳисоб-китоблардан тортиб, одамларнинг кайфияти ҳам тарқоқ. Ишлаш ўрнига шикоятчилик, аризабозлик.

Янги раис фалон ишларни қилди, деб бармоқюмди қилиб санаб ўтирсак ярашмас. Яхшиси, бугунги кунга келиб қоғозга битилган айрим рақамларни қайд этайлик.

Бевақт ёққан ёмғирнинг касри уриб, бердиевликлар майдонларнинг ярмига — 400 гектарига чигитни қайта экдилар. Сув, ўғит ва яна бошқа маблағлар таъминотидаги узилишлар ташвишини-ку сўраманг.

Чўтбоев атрофига Уйғун домланинг Назир отасига ўхшаб муштини маҳкам тугиб ишлайдиганларни тўплай билгани қўл келди. Хўжалик пахта тайёрлаш режасини 100 фоизга бажарган бўлса, пахтадан келадиган даромад режасини 150 фоизга етказиб уддалади. Чунки, иқтисодчи А. Нуриевнинг далолат беришича, бултургига нисбатан 56 тонна дизел ёнилғиси, 30 тонна бензин ва яна бошқа ресурслар тежалди-да.

Ҳаммасидан муҳими, одамларнинг қўли нақд пул кўрди. Иш ҳақлари вақтида бериб бориладиган бўлди. Ҳатто, олдинги йиллардан мерос бўлиб ўтган иш ҳақидан қарзларнинг кўп қисмини ҳам узишга эришдилар.

Яхши ишлайман, деган одам ютуқларнинг устида чордана қуриб ўтириб олмасдан, режани каттароқ олиб ҳаракатини сусайтирмайди. Ҳозир янада дадиллашган хўжалик аъзолари қишки дала ишларини яхши кайфият билан олиб боришмоқда.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Халқ сўзи»га жавоб берадилар*

# ФАОЛИЯТ КЎРСАТМАГАНИ УЧУН

**Газетанинг шу йил 28 сентябр сонида «Ўйланмасдан чиқарилган қарор» сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилган эди. Унда Марғилон шаҳар ҳокимининг ноқонуний қабул қилган қарори туфайли тадбиркор А. Ҳошимов анча йиллар сарсон бўлганлиги, умуман кейинги вақтда шаҳарда тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор сусайганлиги ҳақида бир қатор мулоҳазалар билдирилганди.**

Мақола бўйича Фарғона вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси жаноб Б. Тойжоновдан жавоб мактуби олинди. Унда айтиладики, мақола юзасидан текшириш ўтказилган. Шу нарса аниқланганки, А. Ҳошимовга вилоят мулк қўмитаси томонидан фақат ҳаммом биноси, омборхона сотилган. Бу низоли ер майдонида ҳаммомдан ташқари шаҳар маиший хизмат уйига қарашли пахта титиш цехи ва тиббий ҳушёрхона ҳам жойлашган. Ҳаммомнинг сотилиш баҳосига пахта титиш цехи ва тиббий ҳушёрхона иншоотларининг баҳоси қўшилмаган.

Шаҳар ҳокимининг 1996 йилдаги қарори билан «Мунаввар» кичик корхонасига 1630 квадрат метр жой фойдаланиш учун берилган, унинг 351 квадрат метрида цех ва 173 квадрат метрида тиббий ҳушёрхона ҳам жойлашган бўлиб, ер солиғи «Мунаввар» кичик корхонаси томонидан тўлаб борилган.

Текширишда аниқланадики, шаҳар ҳокимининг мазкур қарори амалдаги «Ер Кодекси»нинг 23-моддаси 3-қисми талабларига зид равишда, шу майдонда жойлашган объектлар масаласи ҳал қилинмай туриб чиқарилган. 1630 квадрат метр деб ҳисобланаётган майдон ҳақиқатда 1909 квадрат метр эканлиги аниқланган. Қарорнинг «Мунаввар» кичик корхонасига тегишли қисмини бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида Марғилон шаҳар ҳокими номига шаҳар прокурори томонидан протест киритилган.

Протест асосида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилиниб, унга кўра 1909 квадрат метр майдоннинг 387 квадрат метри «Мунаввар» кичик корхонасига, 173 квадрат метри тиббий ҳушёрхонага, 351 квадрат метри пахта титиш цехига бириктириб берилган. Қолган 998 квадрат метри умумий фойдаланишга қолдирилган.

«Мунаввар» кичик корхонаси томонидан ўтган йилларда тўланган ер солиғи қайта ҳисобланган. Ортиқча тўланган пул ер солиғи ҳисобига ўтказилган.

Шаҳар ҳокимининг аввалги қарорини ва шу қарорга асос бўлган ҳужжатларни расмийлаштирган шаҳар ҳокими А. Рўзиев, шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси муҳандиси А. Бузруков, шаҳар ер тузиш инспекцияси бошлиғи А. Каримов, туманлараро техник рўйхатдан ўтказиш бюроси бошлиғи М. Аҳмедов, шаҳар солиқ инспекцияси ер ва сув ресурсларини солиққа тортиш бўлими мутахассиси Б. Раҳмонов, шаҳар нотариал идораси нотариуси Д. Болтабоеваларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги, уларни бу ҳаракатлари юзасидан Меҳнат Кодексининг 182-моддасида кўрсатилган 6 ойлик интизомий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлиги сабабли улар интизомий жавобгарликка тортилмаганлар.

Марғилон шаҳар ҳокимиятининг берган маълумотига кўра, 1995 йил 1 январдан 1999 йилнинг 1 октябрига қадар 963 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган. Шу даврда 690 та хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини тугатганлар. Шундан 421 таси ўз хоҳишига кўра, 269 таси мавжуд қонунларга асосан 6 ой ва ундан ортиқ фаолият кўрсатмаганлиги учун шаҳар солиқ инспекциясининг тақдимномасига асосан тугатилган.

Шаҳар ҳокимининг қарорига асосан «Мунаввар» кичик корхонаси 6 ой ва ундан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатмаганлиги учун солиқ инспекциясининг тақдимномасига асосан беркитилган.

# СОВҒАЛАР — СОҒЛОМ АВЛОДГА

Навоий вилояти «Қизил ярим ой» жамияти нодавлат ташкилоти болалар интернатларига 1,5 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатди. Жамият раиси Марианна Баҳриёрованинг таъкидлашича, бундай хайриялар миқдори 4 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Испания «Қизил хоч» ташкилоти вакили Пауло Иглиасис яқинда Навоий шаҳрида бўлди. Меҳмон «Қизил ярим ой» жамияти ҳузурида очилган ва Испания «Қизил хоч» ташкилоти томонидан жиҳозланган ўқув марказининг иши билан танишди.

Яқинда АҚШ «Қизил хоч» ташкилотидан шошилинчнома келди. Унда айтилишича, олдиндан келишилган аҳдномага мувофиқ бу ташкилот Қизилқум минтақасида яшовчи болалар учун умумий миқдори 200 тонна бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатган.

**П. ЖУМАЕВ.**



# «МАРҒИЛОННОН» НОВВОЙЛАРИ

*Кейинги йилларда республикамизда ғалла мустақиллигига эришилганлиги туфайли, аҳоли эҳтиёжини асосан мамлакатимизда етиштирилган дон маҳсулоти ҳисобига таъминлаш имкониятига эга бўлдик. Натижада, кўриниши иштаҳа очадиган, таъми тотли ва мазали сўлқилдоқ нонларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони бир нечтага ортди.*

*Эл дастурхонига нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераётган ана шундай корхоналардан бири «Марғилоннон» ҳиссадорлик жамиятидир. Бу ерда ўз ишининг чинакам усталари бўлган, фидокор новвойларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари барчага бирдек манзур бўлаётир.*

*Корхона жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 4398 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Биргина октябр ойининг ўзида қирқ турдаги 517736 килограмм сара ноз-неъматлар сотувга чиқарилди.*



**СУРАТЛАРДА: «Марғилоннон» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш устаси Абдуҳошим Мансуров ва таъминотчи Ҳошимжон Шокировлар ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари сифатини назорат қилишяпти; «Марғилоннон» ҳиссадорлик жамияти фирма дўконида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳолига сотилади ва аҳоли буюртмалари қабул қилинади. Сотувчилар (чапдан ўнгга) Шоира Соибжонова ва Хайрихон Аҳмедова.**

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**


## «Қаршитермопласт» заводи

***Халқ хўжалигининг турли соҳалари учун сув ва газ қувурларини чекланмаган миқдорда таклиф этади. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар юқори сифати, чидамлилиги, рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.***

***Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларининг энг асосий тамойилларидан бири пулни тўғри ҳисоб-китоб қила билиш ва ундан самарали фойдаланишдир. Ҳисоб-китоб қилиб солиштириб кўринг ва унутманг: биз сув қувурларининг жуда узоқ муддатда сифатли ишлашини кафолатлай оламиз. Меҳнатимиз маҳсулидан фарзандларимиз, набираларимиз ва келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўладилар. Келинг, улар металл қувурларнинг чириши, ёрилиши оқибатида юзага келадиган кўнгилсиз ташвишлардан холи бўлишсин.***

***Яхши ният билан биргаликда турли иншоотлар, турар-жой ва маданий-маиший биноларни қураётганимизда, қувурлар ётқизаётганимизда, таъмирлаётганимизда биринчи галда эртанги кун ҳақида ўйлашимиз зарур. Ахир жонажон, мустақил мамлакатимизнинг келажаги сиз билан бизнинг маъсулиятимизга боғлиқ.***

**«Қаршитермопласт» заводида чиқарилаётган сув, газ қувурлари (ПНД-ПВХ)нинг пўлат қувурлар билан солиштирма НАРХНОМАСИ (1999 йил 15 ноябр ҳолатида)**

| N | Қувурлар номи диаметри миллиметр ҳисобида | Вазни кг.п.м. | И\ч бирлиги нархи сўм-п.м | Металл қувурлар диам. мм. | Вазни кг.п.м. | Нархи сўм-п.м | 4-ва 7-устунлар орасидаги фарқ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1. | 20 (ПНД) | 0,190 | 190 | 20 | 1,66 | 365,2 | -175,2 |
| 2. | 25 (ПНД) | 0,200 | 210 | 25 | 2,39 | 525,8 | -315,8 |
| 3. | 32 (ПНД) | 0,210 | 248 | 32 | 3,09 | 679,8 | -431,8 |
| 4. | 40 (ПНД) | 0,260 | 297 | 40 | 3,84 | 844,8 | -547,8 |
| 5. | 63 (ПВХ) | 1,34 | 710 | 63 | 5,46 | 1092 | -382 |
| 6. | 110 (ПВХ) | 2,6 | 1370 | 110 | 11,49 | 2298 | -928 |
| 7. | 160 (ПВХ) | 5,4 | 2460 | 160 | 23,19 | 4638,0 | 2178 |
| 8. | 110 (ПВХ) канализация | 1,30 | 1110 | 110 чўян | 9,22 | 1844 | -734 |

**Қувурлар ПВХ бўйича ТУ Ўз 48. 6-01-98 русумида, ПНД бўйича ТУ6-19-352-87 русумида чиқарилади.**

*__Эслатма:__ ПНД-ПВХ хомашёлари Ўзбекистон бозори нархларида сотиб олингани туфайли металл қувурларининг ҳам Ўзбекистон бозоридаги нархлари олинди. Шунингдек, полиэтилен қувурларидан фойдаланилганда транспорт харажатлари ҳам қисқаришини эътиборда тутиш лозим. Изоляция материалларидан, электродлардан, қувур ётқизувчилар меҳнатидан фойдаланиш эҳтиёжи барҳам топади.*



*Қувурларни заводдан чиқариб юбориш пул кўчириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг 5-7 кун ичида амалга оширилади. Бундан ташқари буюртмачиларнинг эҳтиёжига қараб 110 миллиметрли газ қувурлари ва томчилатиб суғоришда муҳандислик коммуникацияларини изоляциялашда қўлланиладиган (телеэлектр тармоқлари учун) 20,25 миллиметрли ПВХ қувурлари ҳам чиқарилади.*

**Бизнинг манзилимиз: Қарши шаҳри, Бешкент йўли кўчаси, 3-километр.**
**Телефонлар: (375-22) 4-64-71, 4-55-24, 3-54-42, 3-19-11.**

2394


*Замондошларимиз*

# ЭЗГУЛИКДАН БИНО БЎЛСИН ГЎЗАЛЛИК...

Ўзбек халқ амалий безак санъати бемисл ва бетакрор гўзаллиги билан дунёга машҳур. Меъморчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодларимиз яратган баркамол, такрорланмас ва бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимизнинг ва жаҳон маданиятининг дурдоналари — бадиий ва маданий меросни ташкил этади. Қўли гул усталар яратган санъат дурдоналари кишиларга завқ беради, дилларни чархлайди, гўзаллик туйғуларини тарбиялайди. 1988 йили Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет катта театри биносининг ганч ўймакорлик безакларини томоша қилатуриб, болтиқбўйилик бир ёзувчи аёл «Ё худойим, шундай гўзалликни ярата олган инсоннинг қалби қанчалар гўзал бўлса экан?» деб хитоб қилганди. Ва, орадан бироз вақт ўтиб, хизмат тақозоси ила ганчкор уста Асрол Мухторовнинг ижоди билан танишганимда гўзаллик гўзал қалблардан бино бўлишига ишонч ҳосил қилдим.

— Ганчкорликка келиб қолишимга дадам сабабчи бўлганлар, — деб эслайди у. — 11 ёшда эдим. Кўча чангитиб тўп тепишдан чарчамайдиган вақтимиз. Дадам «Бекорчидан худо безор. Бекорчиликни ташлаб, бирорта ҳунар эгаси бўлгин», деганча мени уста Маҳмуд Усмонов шогирдлари билан ишлаётган жойга олиб келдилар. Бошарасидан тортиб кийимигача оппоқ чангга беланган шогирдларни кўриб юрагим орқага тортиб кетди. Менинг ҳолатимни сезди шекилли, «Қани ўғлим, юринг, мен ишлаган нақшларни бир кўрингчи!», деди уста. Майин, нафис, ўта гўзал нақшларни кўриб юрагимга бир ўт тушди.

Ҳа, тўполончи ва ўйинқароқ Асролнинг юрагига тушган чўғ бора-бора гулханга айланди. У тушида ҳам, ўнгида ҳам гўзал нақшларни кўрарди. 1960 йилдан бошлаб ўқувчилар саройидаги уста Маҳмуд Усмонов раҳбарлик қилаётган ганчкорлик тўгарагига қатнаша бошлади. Бу ерда нақшларнинг шунақанги гўзал бир оламига кириб қолдики, ундан чиқиб кетишга ўзида қудрат ҳам, иштиёқ ҳам тополмади. Аввалига тўгаракда ганчкорлик ҳунарини назарий ва амалий ўрганди, сўнгра устага шогирд бўлиб сабоқ олди, бирга меҳнат қилиш бахтига мушарраф бўлди.

1976 йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг таъминот бўлимини тугатди. Лекин ганч ўймакорлигининг серзаҳмат ва гўзал оламидан кетишни истамади. Уста Маҳмуд раҳбарлигида республикамиздаги бир қатор янги биноларда ганчкорлик ишларини бажаришда қатнашди. 1979 йил унинг ҳаётидаги энг бахтли йил бўлди. Уста Маҳмуд шогирди унинг ганчкорлик сирларини мукаммал эгаллаганлигини эълон қилиб, оқ фотиҳа берди. Энди ўзи уста бўлган Асрол Мухторов ганчкорлик бригадасига бошлиқ бўлиб иш бошлади. У ўз шогирдлари билан биргаликда Тошкент шаҳар ҳокимияти, республика Олий Мажлиси бинолари ва бошқа кўплаб иншоотларда меҳнат қилиб, халқ ҳурматини қозонди. Бугунги кунда устанинг элликдан ортиқ шогирдлари бор. Асрол ака уларга нафақат ўз ҳунарини, балки ҳаёт тажрибаларини ҳам ўргатиб келмоқда.

— Ганч ўймакорлиги санъати серзаҳмат, сермашаққат ҳунар, — дейди уста биз билан суҳбатда. — Унинг заҳматларига чидаган, ўз олдига қатъий мақсад қўйган ёш шогирдларгина келажакда катта уста бўлиб етишадилар. Одатда эса ганч ўймакорлиги авлоддан-авлодга ўтади. Ганчкор усталар ўз ўғилларига 7-9 ёшдан бошлаб ганч ўймакорлиги сирларини бинонинг режасидан тортиб пардозлашгача бўлган босқичларини ўргатганлар. Болалар 8-15 йиллаб шогирд бўлиб юришган. Ўймакор уста бўлишни орзу қилган ёшлар эса бу касбни халқ усталарига шогирд тушиб ёки тўгарак ва ҳунармандлик лицейларида эгаллашлари мумкин.

Яқинда Асрол Мухторовнинг шу мавзудаги «Уста ва шогирд одоби» номли китоби нашрдан чиқди. Муаллиф ҳурмат билан биринчи бетида «Ганчкорлик санъатининг улуғ устаси, устозим Маҳмуд Усмоновнинг ёрқин хотирасига бағишлайман», деб ёзган ушбу китобчада ўзбек халқ ҳунармандчилиги тарихи, уста ва шогирд одоби, устозларнинг шахсий ва касбий фазилатлари, ёшларга ҳунар ўргатишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, уста ва шогирд, меъморий обидалар ҳақида қизиқарли ривоятлар ҳам киритилган.

— Нима учун китобингиз сотувга чиқарилмади? — ажабланиб сўрайман.

— Сотувга чиқармоқчи ҳам эмасман, — босиқлик билан тушунтиради Асрол ака. — Бу китобни устозимиз Маҳмуд Усмоновнинг 90-йиллик таваллуд тўйига бағишлаб тўёна сифатида ёздим. Ва, ана шу қутлуғ кунда барча ганчкор усталарга ушбу китобчадан тарқатиб чиқаман. Ундан ҳунар-техника лицейлари ва коллежлари ўқитувчилари, шогирд етиштираётган усталар таълим жараёнларида фойдаланишлари мумкин. Уста Маҳмуд шундай ажойиб, меҳри дарё инсон эдиларки, у кишига бир эмас, ўнта китоб бағишласам ҳам оз. Ўзларига ҳам, ўғиллари ва шогирдларига нисбатан ҳам ўта талабчан эдилар. Агар бир ишни бугун туғаллаш лозим бўлса-ю, кечикаётган бўлсак, ҳаводан ўзлари ҳам тушмасдилар, бизни ҳам туширмасдилар.

Асрол аканинг 5 нафар фарзанди, бир-биридан ширин 7 нафар набираси бор. Ўғиллари, Саидакром ва Саидикром ота изидан кетиб ганчкор уста бўлиб етишишган, иккови ҳам Бадиий академия аъзолари.

Ўзининг гўзал санъати орқали элимизнинг турмушини янада гўзаллаштиришга қўшаётган ҳиссасини камтарлик билан «Буларнинг бари устозимнинг сабоқлари туфайли» деб қўядиган дилкаш инсоннинг хизматларини давлатимиз юксак баҳолади. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида республика махсус ижодий-ишлаб чиқариш «Усто» бирлашмаси ганчкори Асрол Мухторовга «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонни берилди. Бу — эл равнақи йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган, ўзидаги ва устозидан олган эзгу фазилатларни шогирдларига мерос қолдириб, фақат гўзал туйғулар мавжуд қалбидан қуйилиб чиқаётган гўзалликни халқимизга ҳадя этаётган серзаҳмат касб эгасига берилган холис баҳо эди.

**М. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# “Меҳр-Мурувват” пул ютуқли хайрия лотереяси бўйича 1999 йил 18 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг расмий жадвали

***Тиражда лотереянинг тўрт разрядига умумий суммаси 39 млн. сўмлик 154000 та пул ютуқлари ўйналди.***

***Ютуқлар тиражи лотереянинг тўрт разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 000720, билет рақами 047 бўлган лотерея билетига 1000000 сўм пул ютуғи чиққанлиги кўрсатилган.***

***Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:***

| СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ | СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ |
|---|---|---|---|---|---|
| 000003 | 027*) | 1000 | 000271 | 088*) | 5000 |
| 000010 | 059*) | 100000 | 000291 | 024*) | 25000 |
| 000017 | 053*) | 500 | 000295 | 069*) | 1000 |
| 000021 | 063*) | 50000 | 000299 | 072*) | 10000 |
| 000045 | 065*) | 50000 | 000308 | 003*) | 500 |
| 000051 | 063*) | 500 | 000310 | 075*) | 500 |
| 000052 | 057*) | 1000 | 000313 | 098*) | 1000 |
| 000053 | 083*) | 500 | 000317 | 079*) | 50000 |
| 000065 | 009*) | 500 | 000320 | 056*) | 25000 |
| 000069 | 026*) | 10000 | 000328 | 013*) | 5000 |
| 000071 | 017*) | 1000 | 000335 | 071*) | 50000 |
| 000077 | 079*) | 500 | 000342 | 034*) | 500 |
| 000081 | 016*) | 500 | 000348 | 004*) | 500 |
| 000091 | 048*) | 5000 | 000350 | 012*) | 500 |
| 000102 | 065*) | 100000 | 000351 | 086*) | 500 |
| 000110 | 057*) | 5000 | 000354 | 086*) | 25000 |
| 000111 | 025*) | 1000 | 000357 | 069*) | 5000 |
| 000113 | 008*) | 500 | 000364 | 012*) | 10000 |
| 000114 | 060*) | 500 | 000365 | 036*) | 1000 |
| 000116 | 076*) | 5000 | 000372 | 084*) | 500 |
| 000119 | 083*) | 1000 | 000373 | 096*) | 5000 |
| 000125 | 092*) | 500 | 000381 | 060*) | 5000 |
| 000128 | 027*) | 10000 | 000387 | 087*) | 1000 |
| 000130 | 041*) | 500 | 000398 | 084*) | 5000 |
| 000131 | 002*) | 1000 | 000400 | 067*) | 50000 |
| 000135 | 020*) | 100000 | 000406 | 021*) | 1000 |
| 000139 | 019*) | 25000 | 000412 | 012*) | 5000 |
| 000143 | 019*) | 500 | 000418 | 007*) | 10000 |
| 000147 | 003*) | 500 | 000419 | 075*) | 25000 |
| 000154 | 036*) | 500 | 000427 | 036*) | 250000 |
| 000155 | 076*) | 500 | 000428 | 091*) | 10000 |
| 000163 | 048*) | 500 | 000439 | 002*) | 5000 |
| 000172 | 018*) | 50000 | 000443 | 028*) | 10000 |
| 000180 | 016*) | 500 | 000447 | 018*) | 500 |
| 000185 | 004*) | 1000 | 000448 | 019*) | 500 |
| 000186 | 017*) | 1000 | 000455 | 023*) | 1000 |
| 000187 | 033*) | 10000 | 000457 | 094*) | 25000 |
| 000191 | 022*) | 1000 | 000461 | 037*) | 5000 |
| 000192 | 096*) | 1000 | 000466 | 007*) | 1000 |
| 000197 | 054*) | 500 | 000467 | 003*) | 10000 |
| 000198 | 007*) | 5000 | 000468 | 081*) | 500 |
| 000202 | 015*) | 10000 | 000470 | 017*) | 500 |
| 000203 | 037*) | 5000 | 000471 | 071*) | 1000 |
| 000209 | 009*) | 500 | 000473 | 016*) | 25000 |
| 000210 | 041*) | 1000 | 000476 | 006*) | 1000 |
| 000211 | 056*) | 500 | 000487 | 060*) | 1000 |
| 000221 | 071*) | 5000 | 000496 | 031*) | 500 |
| 000222 | 048*) | 25000 | 000504 | 064*) | 500 |
| 000228 | 055*) | 50000 | 000505 | 095*) | 25000 |
| 000244 | 008*) | 25000 | 000508 | 080*) | 500 |
| 000251 | 001*) | 500 | 000521 | 009*) | 500 |
| 000256 | 068*) | 500 | 000523 | 086*) | 25000 |
| 000262 | 086*) | 500 | 000530 | 040*) | 25000 |
| 000264 | 009*) | 25000 | 000537 | 070*) | 5000 |

| СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ | СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ |
|---|---|---|---|---|---|
| 000558 | 087*) | 500 | 000861 | 015*) | 1000 |
| 000559 | 067*) | 1000 | 000883 | 038*) | 500 |
| 000569 | 049*) | 500 | 000893 | 058*) | 50000 |
| 000585 | 099*) | 500 | 000895 | 031*) | 500 |
| 000592 | 065*) | 100000 | 000898 | 009*) | 1000 |
| 000594 | 042*) | 1000 | 000927 | 025*) | 500 |
| 000607 | 022*) | 50000 | 000928 | 065*) | 500 |
| 000611 | 040*) | 500 | 000937 | 042*) | 10000 |
| 000614 | 043*) | 1000 | 000944 | 033*) | 1000 |
| 000618 | 093*) | 10000 | 000945 | 066*) | 5000 |
| 000630 | 069*) | 10000 | 000950 | 084*) | 100000 |
| 000641 | 047*) | 10000 | 000957 | 046*) | 500 |
| 000643 | 058*) | 1000 | 000958 | 006*) | 500 |
| 000652 | 071*) | 1000 | 000960 | 036*) | 10000 |
| 000653 | 014*) | 500 | 000966 | 047*) | 10000 |
| 000662 | 024*) | 5000 | 000968 | 078*) | 5000 |
| 000666 | 042*) | 10000 | 000972 | 008*) | 500 |
| 000669 | 093*) | 1000 | 000975 | 069*) | 25000 |
| 000673 | 013*) | 1000 | 000978 | 003*) | 500 |
| 000677 | 002*) | 5000 | 000984 | 040*) | 5000 |
| 000698 | 085*) | 500 | 001006 | 061*) | 1000 |
| 000701 | 050*) | 5000 | 001007 | 086*) | 5000 |
| 000703 | 091*) | 500 | 001011 | 058*) | 10000 |
| 000706 | 091*) | 500 | 001018 | 077*) | 10000 |
| 000708 | 017*) | 500 | 001021 | 094*) | 1000 |
| 000712 | 092*) | 500 | 001022 | 065*) | 1000 |
| 000714 | 072*) | 10000 | 001027 | 052*) | 1000 |
| 000716 | 040*) | 10000 | 001032 | 051*) | 1000 |
| 000718 | 013*) | 500 | 001044 | 065*) | 50000 |
| 000720 | 047*) | 1000000 | 001052 | 022*) | 10000 |
| 000726 | 032*) | 500 | 001053 | 069*) | 500 |
| 000733 | 039*) | 50000 | 001056 | 070*) | 1000 |
| 000736 | 035*) | 500 | 001067 | 036*) | 5000 |
| 000740 | 018*) | 5000 | 001074 | 071*) | 5000 |
| 000750 | 028*) | 1000 | 001075 | 099*) | 1000 |
| 000753 | 018*) | 500 | 001097 | 050*) | 5000 |
| 000757 | 059*) | 25000 | 001098 | 016*) | 10000 |
| 000760 | 072*) | 1000 | 001099 | 091*) | 1000 |
| 000763 | 065*) | 25000 | 001105 | 090*) | 150000 |
| 000764 | 051*) | 500 | 001112 | 098*) | 500 |
| 000769 | 075*) | 5000 | 001114 | 093*) | 10000 |
| 000777 | 016*) | 500 | 001116 | 098*) | 5000 |
| 000791 | 093*) | 1000 | 001123 | 046*) | 500 |
| 000793 | 091*) | 500 | 001124 | 019*) | 150000 |
| 000796 | 065*) | 10000 | 001126 | 002*) | 500 |
| 000800 | 099*) | 25000 | 001127 | 064*) | 25000 |
| 000819 | 022*) | 500 | 001130 | 085*) | 500 |
| 000823 | 086*) | 500 | 001133 | 018*) | 500 |
| 000828 | 009*) | 5000 | 001134 | 023*) | 5000 |
| 000837 | 068*) | 5000 | 001137 | 099*) | 25000 |
| 000843 | 070*) | 5000 | 001138 | 066*) | 500 |
| 000844 | 041*) | 50000 | 001139 | 005*) | 500 |
| 000848 | 025*) | 1000 | 001149 | 006*) | 500 |
| 000860 | 077*) | 1000 | 001168 | 058*) | 10000 |

| СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ | СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ |
|---|---|---|---|---|---|
| 001175 | 081*) | 1000 | 001427 | 014*) | 25000 |
| 001185 | 053*) | 5000 | 001435 | 073*) | 1000 |
| 001193 | 036*) | 10000 | 001438 | 019*) | 5000 |
| 001194 | 001*) | 500 | 001460 | 085*) | 1000 |
| 001197 | 009*) | 10000 | 001462 | 078*) | 1000 |
| 001198 | 035*) | 10000 | 001463 | 090*) | 5000 |
| 001207 | 005*) | 1000 | 001465 | 061*) | 500 |
| 001214 | 092*) | 1000 | 001467 | 012*) | 1000 |
| 001215 | 089*) | 500 | 001475 | 079*) | 500 |
| 001217 | 065*) | 1000 | 001479 | 020*) | 1000 |
| 001222 | 005*) | 10000 | 001482 | 057*) | 1000 |
| 001224 | 075*) | 1000 | 001484 | 069*) | 10000 |
| 001228 | 070*) | 500 | 001486 | 042*) | 500 |
| 001229 | 026*) | 500 | 001491 | 036*) | 10000 |
| 001243 | 031*) | 500 | 001495 | 068*) | 10000 |
| 001246 | 070*) | 5000 | 001501 | 065*) | 5000 |
| 001252 | 084*) | 1000 | 001505 | 013*) | 500 |
| 001255 | 099*) | 500 | 001507 | 081*) | 5000 |
| 001259 | 019*) | 1000 | 001512 | 042*) | 10000 |
| 001265 | 015*) | 500 | 001513 | 060*) | 500 |
| 001272 | 045*) | 1000 | 001517 | 045*) | 500 |
| 001280 | 065*) | 500 | 001523 | 010*) | 500 |
| 001285 | 087*) | 500 | 001525 | 006*) | 5000 |
| 001289 | 063*) | 5000 | 001527 | 044*) | 500 |
| 001291 | 029*) | 1000 | 001528 | 041*) | 500 |
| 001295 | 036*) | 10000 | 001533 | 021*) | 10000 |
| 001299 | 090*) | 1000 | 001541 | 019*) | 1000 |
| 001307 | 061*) | 500 | 001543 | 025*) | 25000 |
| 001314 | 022*) | 1000 | 001548 | 001*) | 500 |
| 001321 | 094*) | 5000 | 001550 | 087*) | 5000 |
| 001323 | 067*) | 1000 | 001556 | 005*) | 500 |
| 001329 | 090*) | 25000 | 001564 | 084*) | 1000 |
| 001340 | 005*) | 500 | 001570 | 041*) | 500 |
| 001344 | 022*) | 5000 | 001571 | 099*) | 5000 |
| 001345 | 068*) | 10000 | 001586 | 036*) | 5000 |
| 001353 | 062*) | 500 | 001606 | 038*) | 50000 |
| 001364 | 036*) | 50000 | 001607 | 013*) | 10000 |
| 001365 | 015*) | 1000 | 001618 | 072*) | 1000 |
| 001371 | 041*) | 25000 | 001622 | 013*) | 500 |
| 001376 | 041*) | 500 | 001628 | 009*) | 1000 |
| 001378 | 017*) | 5000 | 001631 | 039*) | 500 |
| 001380 | 039*) | 500 | 001638 | 006*) | 25000 |
| 001381 | 093*) | 50000 | 001643 | 018*) | 5000 |
| 001389 | 071*) | 5000 | 001651 | 006*) | 5000 |
| 001398 | 087*) | 1000 | 001653 | 009*) | 1000 |
| 001399 | 006*) | 10000 | 001655 | 059*) | 500 |
| 001402 | 004*) | 500 | 001657 | 009*) | 250000 |
| 001403 | 091*) | 5000 | 001658 | 057*) | 1000 |
| 001406 | 062*) | 100000 | 001662 | 045*) | 500 |
| 001414 | 001*) | 500 | 001664 | 096*) | 500 |
| 001418 | 065*) | 500 | 001665 | 054*) | 25000 |
| 001419 | 042*) | 10000 | 001668 | 037*) | 50000 |
| 001420 | 097*) | 5000 | 001677 | 012*) | 1000 |
| 001423 | 026*) | 1000 | 001681 | 017*) | 10000 |

| СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ | СЕРИЯ РАҚАМИ | БИЛЕТ РАҚАМИ | ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ |
|---|---|---|---|---|---|
| 001685 | 041*) | 10000 | 001864 | 026*) | 25000 |
| 001690 | 024*) | 500 | 001867 | 019*) | 150000 |
| 001695 | 053*) | 500 | 001868 | 016*) | 1000 |
| 001701 | 033*) | 1000 | 001870 | 019*) | 500 |
| 001711 | 076*) | 50000 | 001873 | 008*) | 10000 |
| 001713 | 019*) | 10000 | 001874 | 046*) | 500 |
| 001723 | 061*) | 5000 | 001875 | 078*) | 10000 |
| 001724 | 011*) | 5000 | 001878 | 020*) | 25000 |
| 001727 | 099*) | 5000 | 001885 | 033*) | 1000 |
| 001730 | 076*) | 25000 | 001890 | 009*) | 10000 |
| 001733 | 005*) | 500 | 001897 | 015*) | 1000 |
| 001740 | 086*) | 50000 | 001899 | 013*) | 500 |
| 001741 | 045*) | 10000 | 001908 | 018*) | 10000 |
| 001750 | 064*) | 25000 | 001923 | 072*) | 5000 |
| 001757 | 004*) | 5000 | 001933 | 044*) | 50000 |
| 001758 | 077*) | 500 | 001939 | 096*) | 150000 |
| 001767 | 095*) | 5000 | 001943 | 044*) | 500 |
| 001768 | 048*) | 10000 | 001944 | 062*) | 1000 |
| 001778 | 028*) | 1000 | 001945 | 036*) | 5000 |
| 001783 | 036*) | 5000 | 001947 | 010*) | 500 |
| 001795 | 086*) | 500 | 001952 | 089*) | 500 |
| 001799 | 036*) | 500 | 001953 | 026*) | 25000 |
| 001801 | 033*) | 5000 | 001958 | 083*) | 1000 |
| 001803 | 043*) | 10000 | 001960 | 036*) | 10000 |
| 001804 | 008*) | 1000 | 001974 | 065*) | 10000 |
| 001811 | 017*) | 5000 | 001977 | 040*) | 500 |
| 001819 | 086*) | 5000 | 001978 | 057*) | 1000 |
| 001820 | 002*) | 500 | 001981 | 065*) | 500000 |
| 001835 | 036*) | 5000 | 001985 | 033*) | 500 |
| 001837 | 052*) | 50000 | 001986 | 091*) | 1000 |
| 001839 | 058*) | 5000 | 001996 | 059*) | 500 |

***) Қолган 99 билет номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.**

**- 5000 сўм ва 5000 сўмгача миқдордаги ютуқлар «Уйжойжамғармабанк»нинг барча муассасаларида тўланади.**

**- 5000 сўмдан юқори ютуқлар лотерея чипталари экспертизадан ўтказилгандан кейин «Ужойжамғармабанк»и бўлимлари томонидан тўланади.**

**Ютуқ чипталари ҳақ тўлашга 2000 йил 26 апрелгача қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин лотерея чипталари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.**

| | |
|---|---|
| *Жалилова Саида Шавкатовна* | *- Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси (Тираж комиссиясининг раиси)* |
| *Абдуллаев Абдуваҳоб Каҳҳорович* | *- "Зафар-И" ҳиссадордик жамияти тафтиш комссияси раиси (тираж комиссиясининг маъсул котиби)* |

2398

**Конституциямиз қабул қилинганининг етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқини алоҳида қизиқиш билан тингладик. Юртбошимиз Конституциянинг оламшумул аҳамияти, бўлиб ўтган Олий Мажлисга сайловларнинг келгуси ҳаётимиздаги ўрни ва бошқа қатор муҳим масалалар хусусида алоҳида тўхталди.**

**Айниқса, у кишининг яқинлашиб келаётган 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилганлигини нафақат тантанали мажлисда қатнашганлар, балки бутун халқимиз катта қувонч билан қабул қилди. Аслида, бундай хайрли ташаббуснинг юзага келиши бежиз эмас. Чунки Президентимиз доимо келажак авлод саломатлиги ва уларнинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратиб келади. Мустақил республикамизда биринчи ташкил этилган жамғарма — «Соғлом авлод учун» жамғармаси бўлди, биринчи таъсис этилган олий нишон ҳам «Соғлом авлод учун» ордени бўлди! «Соғлом авлод йили» олдинги «Инсон манфаатлари» (1997), «Оила» (1998), «Аёллар» (1999) йилларининг мантиқий давомидир.**

Муносабат

# АВЛОДИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН

Шу ўринда мен бутун меҳнат фаолиятини тиббиёт фанига, болаларни даволайдиган шифокор-педиатрлар тайёрлашга бағишлаган мутахассис сифатида ёш авлод саломатлигини асраб-авайлаш юзасидан баъзи таклиф-мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим.

Очиғи, авлодимизнинг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Соғлом бола соғлом ота-онадан дунёга келади. Агар ота-оналар яхши ният билан оила қуришса, бир-бирларига нисбатан меҳрли бўлишса ва ҳомила тинч-тотув оилада вужудга келса, туғилажак фарзанднинг барча аъзолари текис ривожлана бошлайди. Бу эса боланинг соғлом бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Борди-ю, оилада уруш-жанжал, ўзаро ҳурматсизлик, қўрқув-безовталик, айниқса, бўлажак онани камситиш иллатлари ҳукмрон бўлса, ана шу муҳитда вужудга келган ҳомиланинг ривожланиши ҳам издан чиқади, шунинг учун ҳомилани ҳар хил хуружлардан ниҳоятда эҳтиёт қилиш зарур.

Ота ёки онанинг тамаки чекиши ҳам авлоднинг носоғлом туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки тамаки таркибидаги никотин алколоиди организм учун ўта заҳарли саналади. Тутунида эса ҳар хил канцероген, яъни хавфли ўсмалар чиқарувчи моддалар мавжуд бўлиб, киши нафас аъзоларини, юрак-қон томирларини, асабларни жароҳатлайди. Ана шундай ота-оналардан соғлом фарзандлар туғилиши қийин.

Спиртли ичкиликлар ҳам авлод учун ўта заҳарли ҳисобланади. Алкоголизмга дучор бўлган ота-оналарнинг жигари (алкоголли жигар циррози), нерв системаси (алкоголли психоз), ошқозон-ичак, жинсий аъзолари заифлашади. Уларнинг болалари кўпинча майиб-мажруҳ аҳволда туғилади. Клиник кузатувларга қараганда, минг нафар руҳий бемор боланинг касаллиги сабаби текширилганда, шулардан 50 фоизида отаси, 7 фоизида онаси ва 7 фоизида ота-онаси спиртли ичимликликларга ружу қўйганлиги маълум бўлган. Аёлларнинг ҳомиладорлик вақтида, айниқса, ҳомиланинг 6-8 ҳафталик даврида алкоголли ичимлик ичишлари ниҳоятда хавфли саналади. Чунки шу даврда ҳомиланинг асосий аъзоларига замин яратилади. Алкогол таъсирида бола мажруҳ бўлиб туғилиши мумкин. Эмизикли аёл спиртли ичимлик истеъмол қилса, алкогол 15-20 дақиқадан кейин сутга ўтиб, чақалоққа ёмон таъсир кўрсатади.

Хавфли иллатларни энг ёмони — гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик асосан руҳиятга таъсир кўрсатиб, киши авлодининг етти пуштини жароҳатлайди, десак муболаға бўлмайди. Бу иллатга қарши кураш, наркобизнесга чек қўйиш дунё миқёсида долзарб масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тиббиётда кенг қўлланилаётган ҳар хил дори-дармонлар беморларга шифобахш таъсир кўрсатиш билан бирга баъзи нохуш асоратлар ҳам келтириб чиқариши сир эмас. Жумладан, ҳаётий зарур аъзолар саналган жигар, ошқозон, буйракларга заҳарли таъсир кўрсатиши, аллергик жараёнларни келтириб чиқариши мумкин. Дори моддалари, айниқса, ҳомиладор аёллар учун хавфли ҳисобланади. Баъзи бир гармонал ҳамда ўсмаларни даволаш учун қўлланиладиган моддалар ҳам зарарлидир. Улар ҳомилага тератоген (teratos — лотинча мажруҳлик) таъсир кўрсатиши мумкин. Дори моддалари она қорнидаги ҳомилада аллергик жараёнлар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис аёлларимиз иккиқатлик даврларида уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари зарур. Шу билан бирга, бундай даво воситаларини ҳамма ёшдаги болаларга ҳам, айниқса, чақалоқларга бўлар-бўлмасга ичириш фойдадан кўпроқ зарар келтиради. Чунки ҳар қандай касалликларга нисбатан иммун кучлари ёрдамида организмнинг ўзи кураш олиб боради. Натижада уларга нисбатан иммунитет ҳосил бўлади. Дори-дармонлар эса ана шу табиий жараёнга салбий таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас.

Авлодимизнинг соғлом бўлиб вояга етишида санъат, шеърият, адабиёт ҳам муҳим аҳамиятга эга. Янги туғилган чақалоқларга, ҳатто она қорнидаги ҳомилага дилбар мусиқалар ижобий таъсир кўрсатиши илмий асосланган. Оналар алласининг чақалоққа мўъжизавий таъсири ҳам кўпчиликка яхши маълум. Шу боис ёш авлодни соғлом, баркамол вояга етказишда улар қалбига ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳр-шафқат туйғуларини сингдиришда санъатнинг — мусиқа, шеърият, адабиётнинг ҳам хизматлари бениҳоя каттадир.

Бугунги кунда болалар ва оналар орасида учрайдиган баъзи хасталикларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилиши лозим. Санитария-эпидемиологик аҳволни яхшилаш, унинг аҳамиятини одамларга тушунтириш йўли билан юқумли касалликларнинг олдини олиш мумкин. Атроф-муҳит мусаффолиги, озиқ-овқатларни, айниқса, мева-сабзавотларни ва полиз маҳсулотларини ҳар хил ўғитланишдан сақлаш катта аҳамиятга эга.

Келажак авлоднинг соғлом-баркамол бўлиб вояга етиши учун ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз зарур. Бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиб, ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлайлик. Ана шунда Юртбошимиз бошлаб берган эзгу иш тўла-тўкис амалда рўёбга чиқади.

**Санъатхон АЗИЗОВА,**
**Тошкент педиатрия-тиббиёт институти фармакология кафедраси мудири, профессор.**

*Ташаббус*

## ВАТАННИ СЕВМОҚ

### Она-табиатга меҳр қўйишдан бошланади

«Фидокорлар» миллий демократик партияси ташаббуси билан Қибрай тумани мактабларида тузила бошланган «Ёшлар қаноти» гуруҳларининг шиори ана шундай. «Ёш экологлар» ва «Эъзоз» ҳаракати аъзолари тумандаги ўрта мактаблар ва лицейлар ўқувчилари билан яқин алоқада бўлиб, болаларга табиатга меҳр, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришни эзгу мақсад қилиб олганлар.

**Ўз мухбиримиз.**



## ЯНГИ МАРКАЗ

*Яқинда Нукус шаҳрида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланган онкология ва урология тиббиёт марказлари фаолият кўрсата бошлади. Гап урология маркази ҳақида борар экан, унинг ўзига хос муолажа воситалари борасида тўхталмоқ зарур. Негаки, бу марказ кредит йўли билан ишга туширилган. Бундан англаш мумкинки, марказда даволаниш тўлов асосидадир.*

*Сир эмас, Қорақалпоғистонда буйрак тоши билан касалланган беморлар анчагина. Бунга иқлимнинг ўзгариши сабаб бўлаяпти. Шундай экан, бу ерда тиббиёт ходимлари инсон саломатлиги тўғрисида кўпроқ қайғуришлари, касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришдек масъулиятли ва долзарб муаммоларни ҳал этмоқликни ўзларининг бурчи деб билишлари зарур. Шу маънода урология марказининг ишга туширилиши айни муддаодир.*

**СУРАТЛАРДА: ҳамшира Гулчеҳра Турумбетова ўз ишидан мамнун; урология марказининг умумий кўриниши.**

**О. МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ОЛИМНИНГ ТУҲФАСИ

Нуъмонжон Омонжонов физика-метематика фанлари номзоди. Ҳаётининг асосий қисмини илм-фан тараққиёти ва малакали мутахассислар тайёрлашга бағишлаб келаётган бу инсоннинг ярим ўтказгичлар физикасига доир мақолалари нафақат мамлакатимиз, балки Россия, АҚШ ва Германияда чиқадиган илмий журналларда чоп этилган. Педагог-олим яқинда савобли ишга қўл урди. Ўзининг ноёб бойликлари ҳисобланган 381 дона нашрий алабиётларни ўз меҳнат жамоаси — Наманган Иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи кутубхонасига туҳфа этди. Кўпчилик мулкига айланган ҳадя орасида физика ва техникага оид қизиқарли асарлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп мақолалар чоп этилган журналлар бор.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институтининг ректори А. Сотиволдиевга падари бузруквори **АБДУМЎМИН ҲОЖИ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Маърифат» бош муҳарририяти катта муҳаррири Рауф Расуловга волидаи муҳтарамаси **ТУРСУНОЙ** опанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ва ижроия аппарати «Уздаврархитектқурилиш» давлат қўмитаси раиси Баҳодир Хўжаевга падари бузруквори **ЭРГАШ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Гўшт-сут савдо» давлат акциядорлик жамияти жамоаси ходимлар бўлими назоратчиси Мавлуда Дадашевага оналари **Мамлакат СОДИҚОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент юридик коллежи маъмурияти жиноий-ҳуқуқий фанлари туркум ҳайъати ўқитувчиси Раҳимжон Нодировга волидаи муҳтарамаси **БЎРИХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


## "VIEV VA KOMM"

**ҚЎРИҚЛАШ ВА ВИДЕОКУЗАТУВНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТИЗИМЛАРИ**

**қуйидагиларни амалга оширади:**

- видеокузатув, ёнғиндан муҳофаза, қўриқлаш сигнализацияси, келиб-кетишни бошқариш тизимлари, шунингдек, фуқаролик диапазони (27 МГц) даги радиостанциялар учун жиҳоз ва анжомлар етказиб бериш;
- Жиҳозлар ўрнатиш, созлаш;
- Кафолатли хизмат ва кафолат муддати тугаши билан хизмат кўрсатиш;

**Юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатлари**





**Ҳар қандай шароитда ечим топилади**
**Сизнинг хавфсизлигингиз ўз қўлингизда!**

2351

Тел.: 78-54-70, 78-41-07. Факс: (3712) 78-05-03.
Манзил: Тошкент ш., «Катортол» к.,38, 310, УзГИИТИ институти.



*Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Ўрта Осиёда ягона қўшма корхона*

ЛК

**"Лок колор синтез"**

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДИ**

**УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРНИ,**
**ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ УЧУН БЎЁҚЛАРНИ,**
**ПАРКЕТ УЧУН РАНГСИЗ ЛОК (ПФ 283 га ўхшаш), ШПАТЛЁВКА, ГРУНТОВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИНИ (ПВА га ўхшаш) ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!**







**СОТИБ ОЛАМИЗ: 0,25х712х820 ўлчамли ЭЖК, ГЖК ОҚ ТУНУКАЛАРИ.**
Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35. Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41. Факс: (371) 191-74-63.

Ш@111



**ABN·AMRO**

Мустақил Ўзбекистонда рақобатбардош банк тизимининг ривожланиши йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат қарори билан банклар тизимидаги бир неча банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқи каби муҳим тадбир қўллаб-қувватланди. 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб камида 200 нафар ходими бўлган корхоналар бу имкониятдан фойдаланишлари ва ўзлари учун иккинчи ҳисоб рақами очишга қайси банк қулай эканлигини аниқлаб олишлари мумкин.

Аминмизки, АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ худди шундай қулай банкдир. Энг нуфузли «Euromoney» молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ 1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида тан олинган.

**АБН АМРО Банк МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж. —**

***жамғармалар ҳақидаги ахборот сир тутилиши, сифатли, ишончли хизмат кўрсатиш кафолатини беради.***

***МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА СИЗНИ ҲАМ КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!***

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ. Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*

2294



**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. РИЗАЕВ,**
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0999, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.**

**Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.**
**Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.**
**Навбатчи — Ғ. ЭШМУРОДОВ.**
**Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 23.25*
1 2 3 4 5 6